

---

## Сектор раҳбари “Темир дафтар” рўйхатига киритилган оилалар ҳолидан хабар олмоқда

Ўзбекистон тумани ҳокими Қахрамонжон Джураевнинг кунлик иш режасидан ҳудуддаги “Темир дафтар” рўйхатига киритилган оилалар ҳолидан хабар олиш, уларни қийнаётган муаммоларга ечим излаш каби тадбирлар ҳам жой олган.

Хусусан бугун сектор раҳбари, МФЙ раиси ҳамда сектор маъсуллари билан биргаликда “Зиё Нурсух” МФЙ да истиқомат қиладиган, “Темир дафтар” рўйхатига киритилган Нозимахон Тожибоевнинг хонадонида бўлиб, унинг турмуш шароити билан қизиқди.

Нозимахон опа 2 қизини турмушга берган, меҳнаткаш ва самимий аёл. Давлатимиз, маҳалла-қўй ва сектор масъулларининг беминнат ғамхўрликларидан ўзини ёлғиз ҳис қилмайди.

